

№16
(1450)
2023 YIL
27-APREL




t.melozbekistondasogliqniqash

О'ЗВЕКИСТОНДА SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

"ROCHE" КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ



Соғлиқни сақлаш вазирлигига Швейцариянинг машҳур фармкомпанияси – "Roche" вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда умуртқа мушаклари атрофиясига чалинган болаларни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш ва онкология соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари мухокама қилинди.

Давоми 2 - бетда ►

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ ТИББИЁТНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИДИР

Эътирофлиси шундаки, давлатимиз раҳбари томонидан инсон саломатлиги ва унинг қадри учун мамлакатимиз тиббиёт тизимида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, хорижий давлатлар билан соҳадаги халқаро ҳамкорлик фаолиятларининг самарали йўлга қўйилганини амалдаги ишларимизда ўзининг ижобий натижаларини берётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Давоми 4 - бетда ►



УЛЬТРАТОВУШ ХИРУРГЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



2023 йининг 24 апрель куни пойтахтимизда яна бир халқаро ҳамкорликка бағишлиланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Осиё ультратовуш хирурглар ассоциацияси билан Ўзбекистон ультратовуш хирурглар ассоциацияси ўртасида мақсадли меморандум имзоланди.

Давоми 2 - бетда ►


Бузумни сондай:



УЛЬТРАТОВУШ ХИРУРГЛАРИ
АССОЦИАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



ХОРИЖЛИК ҲАМКАСБЛАР
ҲАЙРАТГА ТУШИШМОҚДА



ҚАЛБ ТАШАККУРИМ
СИЗЛАРГА

6



ТІВВІЙОТ
OLAMIDA

САМАРҚАНДДА ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ ХАЛҚАРО ТИББИЁТ ФОРУМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Тило Клиннер билан мулоқот ўтказди.



Украшувда тиббиёт соҳаси бўйича кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари мухокама қилинди. Мулоқот давомида шу йилнинг 26-27 май кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон – Германия халқаро тиббиёт форуми ўтказилиши юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Шифононаларда даволанаётган ногиронлиги бўлган болага ғамхўрлик қилаётганлар бепул овқат билан тъминланади

Шифононаларда даволанаётган ногиронлиги бўлган болага ғамхўрлик қилаётганларга боланинг ёнида бўлиш учун шароит яратилади. Мазкур давр учун меҳнатга лаёкатсизлик варақаси ва бепул овқат берилади.

ҚЎҚРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Янда Боку шаҳрида Германия–Озарбайжон–Туркия олтинчи тиббиёт Конгресси бўлиб ўтди. Унда 60 га яқин хорижий меҳмонлар қаторида юртимиз делегацияси ҳам иштирок этди.



Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовнинг Конгресс қатнашчиларига видеотабригини йўллади. Тиббиёт соҳасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган муносабиҳиссаси учун М.Топчубашов номидаги жарроҳлик илмий маркази бўлим мудири, Озарбайжон каминвазив жарроҳлик жамияти президенти Гурбанхан Муслимов "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси" қўқрак нишони билан тақдирланди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

“ROCHE” КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Учрашувда компаниянинг Марказий ва Шаркй Европа, Туркия, Россия, Хиндистон субконтиненти бўйича раҳбари Адриано Треве, Козогистондаги ваколатхонаси раҳбари Тойлэн Сенел, Албаниядаги вакили Анна Савинкина, шунингдек, “Roche”нинг Ўзбекистондаги ҳамкорлари Ольга Черных ва Шохида Сорбатти иштирок этди. Қайд этилганидек, “Roche” дунёдаги энг йирик биотехнологик компаниялардан бири бўлиб, АҚШ, Германия, Швейцария ва Син-

гапурда ишлаб чиқарувчи корхоналарига эга. У онколоғия, иммунология, юқумли қасалликлар, офтальмология ва марказий асаб тизими қасалликлари учун табақалаштирилган дори воситалари ишлаб чиқарувчи ва “in vitro” диагностика, тўқималарга асосланган саратон диагностикасининг етакчи провайдери хисобланади. Мулоқот ҷоғиди вазир Амрилло Иноятов ташкилот вакилларига кенг кўламли ва узқ муддатли ҳамкорлик, жумладан, ушбу компания томонидан ишлаб чиқарилаётган

препаратларнинг минақавий локализациясини мамлакатимизда ташкил этиш таклифи ни берди.

Юртимизга биотехнология асосида ишлаб чиқаришнинг кириб келиши фармацевтика саноатида инқилобий ҳодисага айланиши, шубҳасиз. Компания мутахассисларининг таъкидлашича, бунинг учун бир неча йиллик тайёргарлик ва мустаҳкам моддий-техник база шаклланиши лозим. Бу бўйича келгусида мулоқотлар давом этиши келишиб олинди.

Учрашув сўнгидаги спинал



мушак артофиясига чалинган бемор болалар учун генетик препаратларни харид қилиш бўйича меморандум имзоланди.


@ssvuz

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ

Таъкидлаш муҳимки, Осиё ультратовуш хирурглар асоциацияси 2018 йилда Жанубий Кореяning Сеул шаҳрида Осиё ультратовуш хирурглар Асоциацияси президенти, Корея Католик Университети хирургия кафедрасининг фахрли профессори Ил Ёнг Парк томонидан ташкил қилинган. Мазкур асоциацияга Корея, Хитой, Япония ва Осиё давлатларидан 400 дан ортиқ хирург профессор -- олимлар аъзо бўлишган.

Айтиш лозимки, ҳамкорларнинг асосий ташрифларидан мақсад, Ўзбекистонда ультратовуш хирурглар асоциацияси президентини тайинлаш ва илмий анжуманлар ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистонда ультратовуш хирурглар асоциацияси ва Осиё ультратовуш хирурглар асоциацияси ўртасида ҳамкорлик меморандумини тузиш ва имзолашдан иборат бўлди.

УЛЬТРАТОВУШ ХИРУРГЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Албатта, мақсадли ҳамкорлик қўйидаги муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Янги илғор технологияларни ишлаб чиқиши ва клиник амалиётларда беморларни соғайтириш ва реабилитация килишда қўллаш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш. Йўналиш бўйича соғломлаштириш туризмини

йўлга қўйиш. Ўзаро илмий анжуман, семинар ҳамда клиник маслаҳатларни олиб бориши. Илмий маълумотлар, илмий мақола ва адабиётлар билан ўзаро фикрлашиб, тажрибаларни бойитиши. Меморандум асосида тузилган лойиҳаларни амалиётга қўллаш чораларини ишлаб чиқиши ҳамда ўзаро доимий маслаҳатларни йўлга қўйиш-

дан иборатдир. Бўлиб ўтган ҳамкорлик ийғилишида Осиё ультратовуш хирурглар асоциацияси президенти, Кореяning Католик Университетининг хирургия кафедрасининг фахрли профессори Ил Ёнг Парк, мазкур асоциация президенти секретари, Кореяning ЧА университети профессори Ҳай Линк Парк,

ассоциациянинг директори, Кореяning Католик Университети профессори Санг Сеоб Ёнг, асоциация директори ёрдамчиси Монголиядаги Сукхбаатар клиникиси директори Бат-Иреедул Пуревбаатар иштирок этиши. Шу билан бирга юртимиз тиббиёт муасасаларида фаолият олиб бораётган хирурглар ҳам қатнашиши. Ийғилиша мамлакатимизга ташриф



буюрган мазкур асоциациянинг вакиллари сўзга чиқиб, самимий табрикларини изҳор этиб, мақсадли ҳамкорлик тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтиши. Ўзбекистон ультратовуш хирурглари асоциацияси президенти, Бухоро Давлат тиббиёт институти декани, профессор Баҳодир Сафоев сўзга чиқиб, мазкур асоциация билан беш йилдан бўён ҳамкорлик борасида олиб борилган ишларга тўхталиб, иштирокчиларга ўзи тақдимотини ҳавола этди. Шунингдек, Осиё ультратовуш хирурглари асоциацияси вакилларининг ҳар бири мавзу доирасидан келиб чиқсан ҳолда фаолиятларида қўлланган амалиётларни слайд ва видеолавҳалар асосида изоҳлаб, маъруза қилдилар. Тадбир якунидаги Осиё ультратовуш хирурглар асоциацияси президенти Ил Ёнг Парк ва Ўзбекистон ультратовуш хирурглар асоциацияси президенти Баҳодир Сафоевлар ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Хулоса ўрнида айтиши жоизки, бундай ўзаро ҳалқаро ҳамкорлик иккى давлат ўртасидаги дўстона ҳамкорлик ришишларини мустаҳкамлаши билан бирга, инсонлар саломатлигин муҳофаза қилиши, шунингдек, тиббиёт ходимларининг малакасини оширишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қиласи.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.



ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЖССТ ЮРТИМИЗДА ТИББИЁТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ УЧУН ЯҚИНДАН КҮМАК БЕРИШГА ТАЙЁР

Куни кечада Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа миңтақавий бүросининг Европа мамлакатларида сиёсат ва соғлиқни сақлаш бўлими директори Наташа Аззопарди Мускат бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказилди.

Мулоқот аввалида вазир Амрилло Иноятов коронавирус пандемияси даврида ЖССТнинг Ўзбекистонга кўрсатган бекиёс ёрдами учун

миннатдорлик билдириб, айниқса, ташкилот томонидан касалликни даволаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар юртимизда минглаб инсонлар

ҳаётини сақлаб қолиш имкони берганини мамнуният билан қайд этди. Шунингдек, ташкилот кўмагида мамлакатимизга келтирилган COVID-19 га қарши вакцина, тиббий жиҳоз ва препаратлар пандемияни жиловлашда катта самара бермоқда. Мулоқот давомида Наташа Аззопарди Мускат Ўзбекистонга илк сафари таассуротларга бой кечайтгани,



матлигини таъминлашга доир қатор йўналишлар бўйича ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Намозжон ТОЛИПОВ.

ЭЪЛОН

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи давлат тиббиёт ташкилотларининг мутахассисларини хорижий мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларига 1-3 ой муддатга малака ошириш ва қайта тайёрлашга юбориш мақсадида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танлов тегишлилиги бўйича Қорақалпогистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларида ишчи комиссия томонидан сұхбат асосида 2023 йил 20 май куни ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- Ииши комиссияси раиси номига таълимнинг шакли ва йўналиши кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза (Ариза намунаси илова қилинади);
- белгиланган шаклдаги маълумотнома-объективка (анкета);
- давлат тиббиёт ташкилоти раҳбарининг номзодни хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларда малака ошириши ёки қайта тайёрлаш зарурлиги кўрсатилган тавсияномаси;
- олий таълим муассасасини тугатганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси;
- илмий даражаси ва илмий унвонини тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси (агар мавжуд бўлса);
- мехнат дафтарчаси нусхаси;
- паспорт нусхаси;
- чет тилидан билим даражасини белгиловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва уларга менглаштирилган), агар мавжуд бўлса.

Ушбу хужжатлар қўйидаги:

Қорақалпогистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги info.mz.rk@ssv.uz; Андикон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси andijon.vssb@ssv.uz; Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси bukhara.vssb@ssv.uz; Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси jizzax.vssb@ssv.uz; Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси qashqadaryo.vssb@ssv.uz; Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси navoiy.vssb@ssv.uz; Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси namangan.vssb@ssv.uz; Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси samarkand.vssb@ssv.uz; Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси sirdaryo.vssb@ssv.uz; Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси srx.vssb@ssv.uz; Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси toshkent.vssb@ssv.uz; Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси fargona.vssb@ssv.uz; Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси horezm.vssb@ssv.uz; Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бошқармаси toshkentshahar@ssv.uz манзиларида юборилади.

Маълумот учун телефон рақами: 71-239-48-36

ОБЪЯВЛЕНИЕ

ОБЪЯВЛЯЕТСЯ КОНКУРС

для специалистов медицинских учреждений системы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан для повышения квалификации и переподготовки ведущих медицинских и научных учреждениях зарубежных стран сроком обучения 1-3 месяца

Конкурс состоится в Министерстве здравоохранения Республики Каракалпакстан, Главном управлении здравоохранения города Ташкента, областных управлениях здравоохранения на основе собеседования рабочей комиссией 20 мая 2023 года.

Для участия в конкурсе необходимы следующие документы:

- заявление в установленном порядке на имя Председателя Рабочей комиссии с указанием формы и направления обучения (прилагается образец Заявления);
- справка-объективка (анкета), в установленной форме;
- рекомендация руководителя государственной медицинской организации о необходимости переподготовки и повышения квалификации кандидата в зарубежных медицинских и научных учреждениях;
- копия диплома об окончании высшего образовательного учреждения;
- копии дипломов, подтверждающих учченую степень и ученое звание (при наличии);
- копия трудовой книжки;
- копия паспорта;
- действующий национальный или международный сертификат, определяющий уровень знания иностранного языка (Национальный квалификационный сертификат, IELTS, TOEFL и др.), если таковой имеется.

Данные документы направить по электронной почте в:

Министерство здравоохранения Республики Каракалпакстан info.mz.rk@ssv.uz;
Управление здравоохранения Андиконской области andijon.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Бухарской области bukhara.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Джиззакской области jizzax.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Кашкадарьинской области qashqadaryo.vssb@ssv.uz;

Управление здравоохранения Навоийской области navoiy.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Наманганской области namangan.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Самаркандской области samarkand.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Сирдарьинской области sirdaryo.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Сурхондарьинской области srx.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Ташкентской области toshkent.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Ферганской области fargona.vssb@ssv.uz;
Управление здравоохранения Хорезмской области horezm.vssb@ssv.uz;
Главное управление здравоохранения города Ташкента toshkentshahar@ssv.uz.

Телефон для справок: +998 (71) 239-48-36

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири
А. Ш. Иноятовга
Республика ихтисослаштирилган
онкология ва радиология илмий-
амалий тиббиёт марказининг
ходими _____ дан
(ходимнинг Ф.И.Ш.)

АРИЗА

Менга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи давлат тиббиёт ташкилотларининг онкология йўналиши мутахассисларини хорижий мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича эълон қилинган танловда катнашишга руҳсат беринингизни сўрайман.

Сана ходимнинг имзоси

ОБРАЗЕЦ

Министру здравоохранения
Республики Узбекистан
А. Ш. Иноятову
от сотрудника Республиканского
специализированного
научно-практического медицинского
центра онкологии и радиологии

(Ф.И.О. сотрудника)

ЗАЯВЛЕНИЕ

Прошу Вас разрешить мне участвовать в конкурсе для специалистов по направлению онкологии для повышения квалификации и переподготовки в ведущих медицинских и научных учреждениях зарубежных стран.

Дата подпись сотрудника

Давоми 6,7,8 - бетларда ►

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ ТИББИЁТНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИДИР

Ана шундай мақсадли ҳамкорлик фаолиятларини янада ривожлантириш мақсадида 2023 йилнинг 7-19 апрель кунлари Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Бухоро давлат тиббиёт институти ва “Эзгу ният” хусусий клиникаси мутахассислари Италиянинг Равенна шаҳридаги «Santa Maria delle Croci» госпиталида малака ошириб қайтдик.

лари олингандан кейин сукунуксонлари пайдо бўлиши ва буларни тўлдирилиши тўғрисида батафсил тўхталинди. Тизза бўғимини робототехника ёрдамида бажарилган эндопротезлашда эса бундай каби камчиликларни кам учраши кузатилганлиги айтиб ўтилди. Семинарлар савол-жавоблар асосида қизгин мунозаралар

Шунингдек, профессор Alberto Bellutti томонидан “Чаноқ-сон бўғимини реэндопротезлаш” ва “Болалар ва ўсмирларда яссиоёқлини оператив даволаш усуслари” мавзусида маъruzalar ўқилди ва жарроҳлик амалиётига борадиган беморларни мухокамаси бўлди ва унда ҳам иштирок этдик. Чаноқ-сон

кўригига қатнашиб, операция олди текшириш режаси ва ўтказилган лаборатор-инструментал текширувлар билан танишидик. Шу билан бирга профессор Alberto Bellutti билан биргаликда 2 нафар беморда чаноқ-сон бўғими ни реэндопротезлаш ва 3 нафар беморда яссиоёқлини тўғрилаш жарроҳлик амалиётларида иштирок этдик. Шу куни “Santa Maria delle Croci” клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ўртасида ҳамкорликка келишилди ва “Santa Maria delle Croci” госпитали директори Dr. Tiziano Carradori билан марказимиз ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ўкув курси якунлагач, дипломларни бериш тақдимоти бўлиб ўтди. Ташириф давомида Италиянинг Милан шаҳридаги “Gruppo Bioimpanti” компаниясининг эндопротезлар ишлаб чиқарадиган заводи фаолияти билан танишидик. Завод директори Fabio Bedini томонидан “Gruppo Bioimpanti” компаниясининг маҳсулотлари ҳақида маъзуза килинди. Мазкур компания заводи эндопротезлар чиқариши бўйича Италияда энг йирик ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган машхур корхоналардан бири ҳисобланар экан.. Йилига 10 000 дан ортиқ турли хилдаги травматология ва ортопедия соҳасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва 50 та давлатга экспорт қиласи, шу жумлдан Ўзбекистонга ҳам. Завод асбоб ускуналари тўлиқ роботлашган, ишлаб чиқаришдаги инсон омили минимал даражада, маҳсулот хом ашёси турли давлатлардан олиб келинади.

даволаш муассасалари қаторига киради, бу ерда 1000 га яқин бирламчи эндопротезлаш, 300 та реэндопротезлаш, 500 дан ортиқ сукларни синишиларида турли хилдаги остеосинтезлар (интрамедулляр блокловчи штифт, MIPO minimally invasive plate osteosynthesis, ўчоқдан ташқари остеосинтез, оёқ ва кўл камарларини йирингли жараёнларида сукларни металл мосламалари билан фиксациялаш) бажарилади. Ҳозирги кунда профессор Alberto Bellutti томонидан 4000 та реэндопротезлаш жарроҳлик амалиётлари бажарилади. Ҳозирги кунда профессор Alberto Bellutti томонидан 4000 та реэндопротезлаш жарроҳлик амалиётлари бажарилади. Ташкидлашум мухимки, профессор Alberto Bellutti томонидан ўқилган маъruzalar бўйича жарроҳлик амалиётларида иштирок этиб, клиникада тайёрланган 3 нафар беморларнинг жарроҳлик амалиётларида қатнашдик. Биринчи амалиёт тизза бўғимини робототехника ёрдамида эндопротезлаш, кейинги беморда тизза бўғимини ривожланган ностабиллиги туфайли қайта операцияси, яъни реэндопротезлаш, учинчи амалиёт диспластик коксартроз билан касалланган беморга Dualis икки мобилликка эга бўлган чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш системасини ўрнатиш каби юкори технологик жарроҳлик амалиётлари намойиш этилди. Амалиётлардан сўнг клиникага ётқизилган 4 нафар оғир беморларни кўриги ва клиник муҳокамаларида қатнашдик. Биринчи бемор сон суганинг патологик синиши (метастаздан), кейинги 10 ёшли бемор икки томонлама сон суганинг эпифизеолизи, учинчи бемор тизза бўғими ни боғлам аппаратининг тотал ностабиллиги билан ва охирги бемор кўп сонли сукларни шикасти ва бош мия жароҳати билан кома ҳолатида эди.

Ташкифимиз давомида “Santa Maria delle Croci” госпиталида профессор Alberto Bellutti томонидан “Тизза бўғимини робототехника ёрдамида эндопротезлаш”, “Тизза бўғимини реэндопротезлаш” мавзусидаги маъruzalar тингланди. Семинарда тизза бўғимини эндопротезлашида эндопротез компонентларини сук юзаларага мустаҳкам цемент асосида ёпишишига, сук кесилиши эндопротез компонентига мос келиши кераклиги, акс ҳолда ҳосил бўлган кемтикларда цемент ёрилиши оқибатида эндопротез компонентини силжишига, яъни ностабилликка олиб келиши, бундан кейин шу бўғимни қайта операцияси ёки реэндопротезлаш амалга оширилиши, бу эса эндопротез компонент-

бўғимини эндопротезлашида худди тизза бўғимини эндопротезлашида каби эндопротез компонентларини ностабиллиги кўп учраётганлиги, айниқса, носпецифик инфекция оқибатида келиб чиқадиган асоратлар каби масалалар айни кунда ўз ечимини ҳали ҳам охиргача топа олмаётганлиги тўғрисида айтилди. Шу билан биргаликда болаларда ва ўсмирларда кенг тарқалган яссиоёқлик касаллигини кам инвазив жарроҳлик усуllibari билан даволаш ва юршини чекламай яссиликни тўғрилаш жуда юкори касбий қизикиш ўйғотди. Шундан сўнг, жарроҳлик амалиётига борадиган чаноқ-сон бўғими ни эндопротезлашдан кейин компонентларни ностабиллиги билан, иккинчи бемор елка суганинг одатий чиқиши билан сўнгти бемор яссиоёқлик билан бўлган 3 нафар беморни

Хулоса ўрнида айтишим жоизки, республикамизда бўғимларни эндопротезлаши усули кенг миқёсда баҳсарилганлиги туфайли, эндоротезларни қайта қилиши амалиётига зарурат кўпаймоқда, шундан дунёдаги бу соҳа бўйича илгор бўлган давлатларда малака ошириши ва маҳсус имплантларни мамлакатимизга олиб кириши давр талаби деб қабул қилиши муроджон ИРИСМЕТОВ,

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.



ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Пойтахтимиздаги тиббий хизмат ва диагностикага мўлжалланган, ихтисослашган замонавий тиббиёт маркази "HAPPY LIFE" ("Баҳти ҳаёт") хусусий клиникаси Юнусобод туманинг 19- мавзесида жойлашган.

"HAPPY LIFE" замонавий кўп тармоқли тиббиёт маркази 2019 йилда Наврӯз умумхалқ байрами арафасида фойдаланишга топширилган. Бу ерда 110 га яқин иш ўринлари яратилган. Марказда отоларингология, офтальмология, педиатрия, юз-жағ жарроҳлиги, умумий онкология, неврология, терапия, тери-таносил касалликлари каби жами 23 та йўналиш мавжуд. Ушбу масканда 250 нафар беморга хизмат кўрсатувчи поликлиника ва 80 дан зиёд ўринга эга даволаш бўйими фаолияти йўлга кўйилган. Тиббиёт марказининг қурилиши ва жиҳозланиши учун давлатимиз томонидан 15 миллиард сўм инвестиция киритилганини эътиборга лойиқдир. Мазкур масканда умумий хирургия, реанимация, даволаш бўйимлари фаолият кўрсатиб, улар дунё амалиётидаги энг замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган.



Этадабдан ушбу шифо республика-мизнинг турли бурчакларидан келган беморлар билан гавжум бўлади. Улар орасида қўшини давлатлар: Қозогистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва Қирғиз Республикаси фуқоралари ҳам бор. Беморларга бу ерда мамлакали врачлар маслаҳат беришади. Шулардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғликини сақлаш ходими, Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти лауреяти, тиббиёт фанлари доктори, профессор Амонов Шавкат Эргашевичдир.

Сўнги пайтларда мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги тиббиётимиз-



ни ислоҳ қилиш учун жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, - дейди профессор Шавкат Амонов. - Ахоли саломатлиги йўлида, уларнинг чет элга катта харажат қилиб бориб келмасликлари учун юрак, жигар, буйрак, ЛОР ва бошқа жиддий операцияларни республикамизда ўтказиш зарурлиги учун катта микдордаги хорижий инвестициялар жалб этилмоқда. Натижада, тиббиётнинг барча ўйналишлари бўйича замонавий турдаги хусусий клиникалар барпо этилмоқда. Врачларимизнинг малакасини ошириш учун уларни хориж давлатларининг етакчи клиникаларига малака ошириш(стажировка)ларга жўнатилмоқда.

Шулар билан бир каторда мамлакатимизда замонавий оториноларингология ҳам сезиларли даражада ривожланди. Бутун республика бўйлаб тиббиёт мусассасаларининг ЛОР бўлимла-

рациялар мисол бўла олади. Чет элда бундай операциялар 25-30 минг долларни ташкил қиласди.

Хориждан келаётган меҳмонлар, соҳа мутахассислари биз амалда кўйлаётган операцияларни кўриб хайратга тушишмоқда. Буларни кўриб қалбларимизда фаҳр туйгуси тўлиб тошиди.

Моҳигул МИРЗАЕВА, Сурхондарё вилояти, Денов туманидан:



та профессор Шавкат Амоновдан маслаҳат олишимизни тавсия килиши.

Талхат ШУБАНАЗАРОВ, Қозогистон Республикаси, Актобе шаҳридан:



- 2015 йилдан буён бошим оғриди. Бурнимдан нафас олишга қийналаман. Бурун бўшлигимда ииринглар азоб берарди. Ўзбекистондаги танишмам замонавий тиббиёт маркази

ХОРИЖЛИК ҲАМКАСБЛAR ҲАЙРАТГА ТУШИШМОҚДА

"HAPPY LIFE" клиникасида Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабалари учун 10 дан ортиқ ўқув хоналари ажратилган бўлиб, улар талабалар, магистрлар ва клиник ординаторларга амалиёт вазифасини ўтаб бермоқда



ҲАЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ



Шавкат Амонов, Бухоро вилюятининг Жондор туманида туғилган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор. У 300 дан ортиқ илмий ишлар ва 8 та патент соҳиби, кўплаб илмий нашрлар, олий ўқув юртлари талабалари учун "Болалар оториноларингологияси" ўқув дарслити, учта монография, 15 дан ортиқ услубий кўрсатмалар ва 10 га яқин рационализаторлик таклифлари музаллифи. 2010 йилдан ТошПТИ ЛОР касалларни кафедраси мудири.

1992 йилда эса тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар С. Ҳасанов, Ўзбекистон Тиббиёт фанлари академияси академиги Т. Даминов илмий раҳбарлигидаги "Сурункали гепатит "B" билан касалланган болаларда сурункали тонзиллит" мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилган.

2000 йилда эса тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар С. Ҳасанов ва А. Мажидовлар илмий раҳбарлигидаги "Болаларда сурункали йирингли ўрта отитни жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлигини ошириш" мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилган. Оториноларингологияяда биринчи марта мастоидопластика учун минералсизлантирилган ўзичоқ суюгидан фойдаланишини ишлаб чиқган ва амалиётга жорий қилган.

Профессор Шавкат Амонов, Россиянинг Москва ва Санкт-Петербург шахарларидағи етакчи оториноларингология клиникаларида, Киев шаҳридан А. И. Коломийченко номидаги Украина Оториноларингология институтида, Польшадаги Жаҳон эшитилиш маркази, Физиология ва патология институтларида малакасини оширган. Шунингдек, у Оториноларингологларнинг жаҳон Европа конгрессларида илмий маъruzalар билан қатнашган. Мутахассислиги бўйича Россия, Украина, Белорусь Республикаси ва Ўзбекистондаги етакчи журнallар таҳририяти аъзоси.

ри модернизация килинаётганилиги ва таъмиранаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Давлат бюджети маблаглари хисобидан моддий-техник базаси мустаҳкамланаб, ЛОР операциялари учун янги жиҳозлар ва зарур воситалар келтирилмоқда. Мазкур усуқнадан фойдалана оладиган, ахолига тегишили хизматлар кўрсага оладиган юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш йўлга кўйилмоқда.

Бугунги кунда бизнинг "HAPPY LIFE" тиббиёт марказимизда ҳам ЛОР аъзолари хасталикларини диагностикаси қилиш ва уларнинг эндоскопик ташхисоти учун барча шароитлар яратилган. Микро ва эндоскопик жарроҳлик асбоб-ускуналари, видеоаппаратлардан фойдаланган холда ЛОР патологияларини даволашнинг усуллари көнг кўлланиб келинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур клиникинда Тошкент педиатрия тиббиёт институти билан ҳамкорликда талабалар учун 10 дан ортиқ ўқув хоналари ажратилган бўлиб, бу ўз навбатидан талабалар, магистрлар ва клиник ординаторларга оториноларингология циклини ўргатишида катта тажриба вазифасини ўтаб бермоқда.

Буларнинг эвазига илгарилари факат хорижда амалга оширилган юкори технологияли, мураккаб операцияларни эндилиқда республикамиздан чикмай туриб амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Буларга бурун бўшлиғи ва паранасал синусларнинг эндоскопик операциялари, хицилдов ва ҳалқумнинг микрожарроҳлик операциялари, кулоқдаги реконструктив ва тикловчи ҳамда эштишини яхшиловчи каби опе-

рилни олиб келдим. Күлоги яхши эшитмайди. Вилоятимизда бир неча бор операция қилишиди, фойдаси бўлмади. Шифо истаб профессор Шавкат Амонов олдига келдик. Бу кишининг хурмати вилоятларда жуда баланд. Мактабда ўқиб юрганларида ёки врач тоғасининг ёнида юриб беморларга биринчи ёрдамиши кўрсатган.

Хайрулло ҲЎЖАНИЁЗОВ, Қорақалпогистон Республикаси, Тўрткул туманидан:



- Опамни олиб келдим. Опамнинг бурнида шамоллаш бор. Нафас олишга қийналади. Нукус онкология Марказидаги врачлар менга пойтахтдаги замонавий тиббиёт маркази "HAPPY LIFE"га мурожаат қилиб, албат-

ш Ҳулоса ўрнида шуни айтши мумкинки, давлатимиз томонидан хусусий тиббиёт клиникаларига қаратилаётган эътибор ўз мевасини бера бошлиди. Замонавий "HAPPY LIFE" клиникасида амалга оширилаётган ишлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Шунинг учун бу ерда соглигини тиклаш истагида бўлган беморларнинг сони кун сайн ошиб бормоқда. Профессор Шавкат Амонов раҳбарлигидаги малакали тиббиёт кадрлар эса мижозларнинг ҳар бир истакларини инобатга олиб уларнинг жонларига аро кишишмоқдалар.

Нарзулла ҲАМРОЕВ.

•ДИЛ ИЗХОРИ•

Мен авваломбор, ўз миннатдорлигимни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга билдираман. Кейинги йилларда уларнинг ташабуси билан юртимиздаги шифо масканлари янгича қиёфа кашф этиб, беморлар учун кенг имкони-



Қалб ташаккурим сизларга



ялтар яратилди. Малакали тиббиёт ходимлари томонидан беморларга сифатли тиббий хизмат ёрдами кўрсатиб келинмоқда. Айниқса, давога муҳтоҷ бўлган яъни имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг даволаниши учун берилаётган имкониятлар барчамизни кувонтироқда. Соғлигимни тиклаш максадида пойтахтимиздаги шифо масканларида даволаниб чиқаман. Биринчи гурӯҳ ногирони бўлганлигим сабабли, имтиёзим бор. Ҳар йили Тошкент шаҳар соғликни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги 5-шаҳар клиник шифохонасида бепул тиббий хизмат олиш имкониятига эгаман. Айниқса, клиник шифохонада фаолият олиб бораётган беморлар дардига нажот баҳш этаётган жамоа ходимлари меҳнатидан мин-

лаева, хирургия бўлимнинг бошлиғи К. Ахроров, катта ҳамшира Л. Тожибоева, интенсив терапия бўлими бошлиғи Т. Очилов, қабул бўлими бошлиғи И. Абдуалибекова, кардиолог-врач Ш. Латипов, ва бир-бираидан чакқон ҳамширалар, физиотерапия бўлими ва кичик тиббиёт ходимлари, хўжалик бекаси, ошпазлар ҳамда барча жамоа ходимлари меҳнатидан гоят маннунман. Ушбу шифо масканнинг ҳар бир шифокору, ҳамшираси, қоловерса, барча ходимларига мазкур газета орқали ўзимнинг яна бир бор дил ташаккуримни билдириб, уларнинг масъулиятли ва шарафли касбларига ривожлар тилаб қоламан.

И. ПЯГАЙ, Тошкент шаҳри

◀Давоми. Боши 3 - бетда

Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлигининг Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини кўллаб-куватлаши ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамгармаси фаолиятини амалга ошириши бўйича Ийчи комиссиясининг 2022 йил 27 июнданги 3-сон баёнига 1-илова

Жамгарма маблағларидан фойдаланиш мақсадида хорижда малака ошириши (стажировка), қайта тайёрлаш, хориждан малакали мутахассисларни таклиф этиши, иктидорли мутахассисларни рағбатлантириш бўйича номзодларни саралаш

ТАРТИБИ

Умумий қоидалар

1. Ушбу тартиб соғликни сақлаш тизимида давлат тиббиёт ташкилотларининг (кейинги ўринларда-Буюртмачилар), тиббиётва фармацевтика мутахассисларини (кейинги ўринларда-мутахассислар) хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш таълим дастурлари (кейинги ўринларда-таълим дастурлари) бўйича номзодларни очик саралаш танловини ташкил этиш, Жамгарма маблағларидан фойдаланиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш, давлат тиббиёт муассасаларида фаолият юритувчи иктидорли ва малакали мутахассисларни рағбатлантириш, хориждан малакали мутахассисларни таклиф этиши, хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш яқуни бўйича хисобот тақдим этиши, уларнинг билим ва юнукларини амалиётга жорий қилиш тартибини белгилайди. Мутахассисларни хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш таълим дастурлари бўйича юбориш хизмат сафарига тенгглаштирилади.

Уйда бемор бўлиб ётганингда авваломбор, аҳволингдан биринчи бўлиб, бирламчи тизимда фаолият юритаётган ходимлар хабар олар экан. Имкониятим чекланганлиги сабабли, Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 54 оиласий поликлиника ходимлари, да-



Улар меҳнати таҳсинага лоҳиқдиғ



воловчи шифокор ва ҳамширалар саломатлигимни доимий назорат килишади. Уйимда даво муолажаларини олиб боришади. Шу ўринда айтмоқчиманки, жамоа ходимларининг менга кўрсатаётган сифатли тиббий хизматларидан хурсандман. Аввало, тиббиёт муассасасида фаолиятларини самарали йўлга кўйган, ходимлар малақасини ошириб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётган поликлиниканинг бош шифокори Дилфуз Абдураҳмоновага алоҳида миннатдорлик билдираман. Айниқса, ҳудудимиз шифокори Камола Мухаммадалиева, невропатолог Лола Абдулаева, поликлиника мудираси Шоира Ашуррова, хирург Нарзикул Бобеев, катта ҳамшира Гулчехра Махманова каби шифокор ва

ҳамширалар кўрсатган сифатли тиббий хизматдан розиман. Уларга ўзимнинг чексиз ташаккуримни билдираман.

Шу ўринда саломатлигимдан доимий хабардор бўлиб турган Юнусобод тумани тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлнимининг ижтимоий ходими Шахноза Фуломованинг меҳнатларини ҳам алоҳида тилга олиб ўтмоқчиман. Шахнозага ҳам қалбимдаги дил изҳоримни билдириб, доимо соғ-саломат бўлишини истаб қоламан.

Халқимиз баҳтига тиббиёт ходимларимиз омон бўлишсин. Улар меҳнати таҳсинага лойиқдир.

Жамгарма маблағларидан фойдаланиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш

2. Хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлашга жалб қилиш ва юбориш учун очик саралаш танлови аризалар келиб тушиши ва йигилишига қараб, календар йил давомида даврий равиша, аммо бир йилда камидан иккى маротаба ўтказилади.

3. Хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлашга юбориш очик саралаш танлови асосида амалга оширилади.

4. Жамгарма маблағларидан оқилона фойдаланиш мақсадида хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш, хориждан малакали мутахассисларни таклиф этиш, иктидорли мутахассисларни рағбатлантириш бўйича номзодларни саралаш схемаси 1-иловага мувофиқ амалга оширилади.

5. Танловда таълим дастури ва ҳужжатларни тақдим этиши муддати тугагандан сўнг тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди. Бироқ рўйхат тасдиқлангандан сўнг танловға ойриб сабабларга кўра хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлашда иштирок этишини рад этса, унинг ўрнига шу мутахассислик бўйича тасдиқланган харажат маблағлар ҳисобига танловда ундан кейинги юкори балл тўплаган мутахассис киритилади.

6. Номзодлар куйидаги ҳужжатлар йигиндини электрон шаклда вазирликнинг электрон почта маҳсус манзилига юборадилар:

паспорт нусхаси;

олий ва ўрта маҳсус таълим муассасасини тутатганлигини тасдиқловчи дипломнинг нусхаси, гувоҳнома нусхаси (клиник ординатура) ва/ёки илмий даражаси (фан номзоди, PhD ва фан доктори, DcS), илмий узвонини (кatta илмий ходим, доцент, профессор) тасдиқловчи диплом(лар)нинг нусхаси, агар мавжуд бўлса;

хорижий тиллардан билим даражасини белгиловчи амалдаги миллий ёки халқаро сер-

тификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва уларга тенглаштирилган, муддати ўтган хужжатлар бундан мустасно), агар мавжуд бўлса;

охирги 3 йилда хорижда ва республика таълим муассасаларида малакасини оширганлиги тўғрисида сертификат;

малака тоифасига эга бўлганлиги тўғрисида сертификат;

мехнат дафтарчаси нусхаси;

семинар, конференцияларда маъруза билан ёки маъruzasiz иштирок этганлиги тўғрисида сертификат.

7. Номзодлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳаққонийлигига шахсан жавобгар хисобланади.

Хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш бўйича номзодларни саралаш тартиби

8. Вазирликка номзодлар томонидан тақдим этилган хужжатлар 2-иловадаги мезонларга мувофиқ ўрганилади ва ўрганиш натижаларига асосан якуний хулоса тайёрланади.

9. Ишчи комиссия томонидан номзоднинг интеллектуал салоҳияти, маънавий фазилатлари ҳамда касбий маҳоратини баҳолаш мақсадида номзодлар билан сұхбат ўтказилиши мумкин.

10. Сұхбатда Ишчи комиссия аъзолари умумий сонининг камидаги учдан иккиси иштирок этганда ваколатли хисобланади.

11. Танлов натижаларига асосан 56 ва ундан юқори балл тўплаган номзодлар Ишчи комиссияси қарори билан танлов галиби деб топилади.

12. Номзодларнинг ўртача баллари тенг бўлган тақдирда Ишчи комиссияси раисининг хулососига асосланиб якуний қарор қабул қилинади.

14. Танловнинг натижалари Вазирликнинг веб-сайтида жойлаштирилади.

15. Танлов галиблари бўйича Мутахассисларни хорижий тиббиёт таълим, илмий ташкилотларга (марказлар, университетлар ва бошқалар) малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлашга юбориш режаси учун Тартибининг 3-иловасига мувофиқ Ишчи комиссия йигилишининг қарори билан тасдиқланади.

Республикага малакали мутахассисларни хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан таклиф этиши

16. Хорижий малакали мутахассисини таклиф этиши тўғрисидаги қарорни қабул қилишда мазкур мутахассис йўналишининг долзарблиги, юнинг илмий мақоми ва малакаси, тиббиёт муассасаларини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича қўйилган вазифаларга мослиги 4-иловадаги мезонларга мувофиқ хисобга олинади.

17. Юкоридаги талаблар асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг худудий органлари, давлат тиббиёт ташкилотлари, шунингдек, хорижий тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш тажрибасига эга бўлган тиббиёт ходимларининг таклифини инобатга олган ҳолда рўйхат шакллантирилади. Тавсия этилган хорижий тиббиёт мутахассисини таклиф этиши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги юзасидан Ишчи комиссия қарор қабул қиласи.

Иқтидорли ва малакали мутахассисларни рағбатлантириш бўйича саралаш тартиби

18. Давлат тиббиёт ташкилотларида фаолият юритувчи номзодлар муассасаса раҳбариятига йилнинг ҳар чорагида аризалар тақдим этади.

19. Муассасаса раҳбарияти тақдим этилган аризаларни беш кунлик муддатда кўриб чиқади, бунда:

тиббиёт муассасасида фаолият юритаётган алоҳида қобилият ва иқтидор эгаси, жамоати ишларида фаол бўлган ходим, шунингдек, давлат гранти ва/ёки тўлов-контракт асосида таълим олаётган, «аъло» ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлган (рейтинг кўрсаткичи - 86 балл ва ундан юқори) ва барча малакавий имтиҳонларни «аъло» баҳоға топширган, ҳалқаро, Республика ва олий таълим миқёсидаги фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари галиблари хисобланган магистр ва клиник ординаторлар;

ҳалқаро маълумотлар базасидаги етакчи илмий журнallарда(камидаги иккита) илмий мақолалар чоп этилган бўлиши;

ҳалқаро конференциялар нашрларида мақолалари эълон қилинган бўлиши;

тилларни-давлат тилини ва битта хорижий (Мустақил давлатлар Ҳамдустлиги тилларидан ташкири) тилни билиши таҳлил қилинади.

Вазирликка тавсия этиладиган номзодларни тасдиқлаш учун раҳбар 5-иловада белгиланган мезонларга мос равиша номзоднинг хужжатларини ўрганади.

Хужжатларни ўрганиши якун билан номзодлар бўйича тақдимнома Ишчи комиссия йигилишидан бир хафта олдин электрон шаклда вазирликнинг электрон почта манзили орқали кадрлар бошкармасигакириллади.

20. Ишчи комиссия тақдим этилган хужжатларни камидаги 2-3 кунлик муддатда ўрганади ва ўрганиши натижаларига асосан номзод тўплаган баллари бўйича «ўтди» ёки «ўтмади» деб якуний хулоса никилади.

21. Ишчи комиссия томонидан номзодларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавий фазилатлари ҳамда касбий маҳоратини баҳолаш мақсадида номзодлар билан сұхбат ўтказилиши мумкин.

22. Танлов натижаларига асосан 60 ва ундан юқори балл тўплаган номзодлар Ишчи комиссия қарори билан рағбатлантирилади.

23. Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув ва давлат тиббиёт муассасаларидаги мутахассисларга Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 05-1288-сон қарори билан тасдиқланган «Хизматгиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори» га (ХАЛИКК-2020) мувофиқ аниқлик кириллади.

24. Иқтидорли ва малакали мутахассисларга устамалар, бир марталик ҳамда муддатли мукофот пуллари ва бошқа кўшимча тўловлар микдори Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини кўллаб-куватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси фаолиятини амалга ошириш бўйича Ишчи комиссияси қарорига асосан белгиланади.

25. Иқтидорли ва малакали мутахассисларга бериладиган иш хақи, устамалар, бир марталик ҳамда муддатли мукофот пуллари ва бошқа кўшимча тўловлар амалдаги солиқ қонунчилик бўйича хисобланади.

26. Иқтидорли ва малакали мутахассисларга иш хақи, устамалар, бир марталик ҳамда муддатли мукофот пуллари ва бошқа кўшимча тўловлар бўйича ягона ижтимоий тўловлар Жамғарма маблағлари хисобидан қопланади.

27. Иқтидорли ва малакали мутахассисларга, устамалар, бир марталик ҳамда муддатли мукофот пуллари ва бошқа кўшимча тўловларни молиялаштириш механизми Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини кўллаб – кувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси фаолиятини амалга ошириш бўйича Ишчи комиссияси қарорига асосан белгиланади.

Хорижга юборилган мутахассисларнинг малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш якуний бўйича хисобот тақдим этиши

28. Малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш якуний бўйича мутахассис 6-иловага мувофиқ тасдиқланган хисобот шаклини муассасаса раҳбари билан келишган ҳолда тасдиқлаб Ишчи комиссияга тақдим этади.

29. Хисоботлар буюртмачиларнинг коллегial органида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун кириллади.

30. Тасдиқланган хисоботлар ва коллегial орган қарори нусхаси буюртмачилар расмий йўлланма хатига илова қилинган ҳолда, қарор чиқкан кундан бошлаб 10 иш кунидаги қозғоз ва электрон шаклда Ишчи комиссияси тақдим этилади.

31. Хисобот ва маълумотлар ҳақонийлиги юзасидан буюртмачи ташкилот раҳбари ма-

съул хисобланади.

Жамғарма хисобидан хорижда малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлашга юборилган мутахассисларнинг билим ва қўнималарини амалиётга жорий қилиш

32. Жамғарма хисобидан малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш ўтаб келган фононзодларнинг (кейинги ўринларда – танлов галиби) шартномаларни (контрактларни) белгиланган тартибида расмийлаштириши ва келгусида рўйхатга олиниши ҳамда изжо этиш учун кўрсатилган талаблар ва муддатларга мувофиқ Жамғармага тақдим этилиши лозим.

Таълим дастури тугалланганидан сўнг, танлов галиблари шартнома (контракт) тала-бларига қатъий амал қилган ҳолда диплом, сертификат ёки бошқа хужжат нусхасини, шунингдек, таълим дастури бўйича фойдаланган адабиётлар ва тарқатма материалларнинг электрон шаклини тиббиёт ходимлари фойдаланиши учун Вазирликнинг электрон кутубхонасига жойлаштириши учун Ишчи комиссия тақдим этади.

33. Танлов галиби мутахассислиги бўйича кўйидаги муддатда тўлиқ бандлик асосида узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланди:

а) малака ошириш таълим дастури бўйича – 3 (уч) йилдан кам бўлмаган муддатга;

б) қайта тайёрлаш таълим дастури бўйича – 5 (беш) йилдан кам бўлмаган муддатга.

34. Республика чекка худудий давлат ташкилотлари ёки муассасаларининг потенциалини яхшилаш учун етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш таълим дастури ташкилотлари билан таъминлаш мақсадида Ишчи комиссия мажбурий ишлаб бериш мумкин бўлган ташкилотларни танлаган танлов галибининг ишлаб бериш муддатини қайта тайёрлаш таълим дастури бўйича 2 йилгача, малака ошириш таълим дастури бўйича 1 йилгача кисқартириш қарорини қабул килиш хукукига эга. Бунда олис ва чекка худудларда жойлашган тиббиёт муассасаларida ишлаганлиги учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар алоҳида кўлланнилади.

35. Танлов галиблари малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш ўтаб келган амалий, илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича, ўз мутахассислиги ва кўлга киритган замонавий билим ва қўнималари бўйича мавзули малака ошириш курсларини ва маҳорат дарсларинига ташкилотларни таъминлашади.

36. Танлов галиблари малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш таълим дастури ташкилотларида таъминлашади. Бунда ташкилот раҳбари уларга шарт-шароитларни яратиб беради.

37. Танлов галиби хорижий илмий-амалий анжуманларда маъруza билан иштирок этиши ва ҳалқаро маълумотлар базасидаги етакчи илмий журнallарда мақола чоп этиши, шу билан бирга, камидаги ҳолда Вазирлик томонидан ташкилотида борасида бўлган ташкилотлари таъминлашади.

38. Танлов галиби хорижий илмий-амалий анжуманларда маъruza билан иштирок этиши ва ҳалқаро маълумотлар базасидаги етакчи илмий журнallарда мақола чоп этиши, шу билан бирга, камидаги ҳолда Вазирлик томонидан ташкилотида борасида бўлган ташкилотлари таъминлашади.

39. Ушбу Тартибга риоя қилинган ҳолда танловнинг ўтказилиши, шунингдек, танлов билан боғлик бўлган бошқа масалалар бўйича шикоятларни кўриб чиқиш учун Ишчи комиссия асосида апелляция комиссияси тузилади.

40. Апелляция комиссияси номзоднинг шикояти аризаси танлов натижалари эълон қилинганидан сўнг ўн кун ичida топширилади.

41. Шикояти аризаси берилганидан сўнг Апелляция комиссияси аризани беш иш куни ичida кўриб чиқади ва тегиши қарор қабул қиласи.

Яқунловчи қоидалар

42. Жамғарманинг Ишчи комиссияси буюртмачилардан малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлашга юбориш ва якуний хисоботлар юзасидан киритилган хужжатлар бўйича кўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақлиdir.

43. Мазкур тартибида кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан ташкилотида борасида бўлган ташкилотларни таъминлашади.

44. Мазкур тартиб таъминлашади айборд бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларидан ташкилотида белгиланган тартибида жавоб берадилар.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиши мақсадида хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш, хориждан малакали мутахассисларни таъкид этиши, иқтидорли мутахассисларни рағбатлантириши бўйича номзодларни саралаш Тартибига 1-илова

Жамғарма маблағларидан фойдаланиши мақсадида хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш, хориждан малакали мутахассисларни та

